



Ўзбекистон
Республикаси
Ижтимоий-иқтисодий
газетаси

1974 йил 1 январдан чиқа бошлаган

1999 йил 6 АПРЕЛЬ .сешанба, № 22 (5.978). Сотувда эркин нархда

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИ

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг
ўринбосари Б. Олимжоновни Ўзбекистон
Республикаси қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазири
этиб тайинлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари
Бахтиёр Олимжонов Ўзбекистон Республикаси қишлоқ ва
сув ҳўжалиги вазири этиб тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
1999 йил 5 апрель

МДХ: ИСЛОМ КАРИМОВ ҒОЯЛАРИНИНГ ЯНА БИР ЭЪТИРОФИ



Илгари хабар қилингандек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов МДХ давлат раҳбарлари кенгашининг Россия Федерацияси пойтахтида бўлиб ўтган навбатдаги саммитида иштирок этиб қайтди.

Ташриф якунлари ҳақида суз бошладан олдин, даставвал, олий даражадаги учрашувнинг натижаларига тўхталиш жоиздир. Таъкидлаш лозимки, Москва саммитида бир қатор муҳим қарорлар қабул қилинди. Хусусан, МДХга аъзо давлатлар раҳбарларининг ҳамдустлигини ривожлантиришнинг асосий йўналишлари тўғрисида декларацияси ҳамда 1994 йил 15 апрелдаги эркин савдо зонаси яратиш ҳақидаги битимга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги протокол имзоланди, МДХ органларида раислик тартиби тўғрисидаги қарор ва жиноятчиликка қарши биргаликда курашиш борасидаги концепция қабул қилинди. Диктатга молик яна бир муҳим ўзгариш ҳамдустлик ижроия котибиятини тубдан ислох қилиш борасидаги қелишувдир. Юртбошимиз Москва саммити сафари олдин журналистларга берган интервьюсида МДХ мамлакатларининг «Бошқини қовуштириш» учун ташкил этилган бу идораларнинг самарасиз фаолияти ҳақида тўхталиб, улардаги ҳодимлар сонини кескин қисқартириш лозимлигини таъкидлаганди. МДХ давлат раҳбарлари кенгашининг саммитида бу тақдир қўллаб-қувватланди: эндиликда МДХ органлари ҳамда уларда хизмат қилаётган ҳодимлар сонни камайтирилади, органлар фаолиятини молиявий қўллаб-қувватлаб турувчи бюджет учу баробар қисқаради, ҳар бир давлат қайси оғанда иштирок этишини ўзи белгилайди ва шунга яраша маблағ ажратлади. Саммитда МДХ ижроия котибияти кумитага

айлантирилди ва Россия Федерацияси Президентининг Федерация Кенгашидаги вакили Ю. Яров унинг раҳбари этиб тайинланди. Айтиш керакки, навбатдаги саммитда эришилган натижаларнинг барчаси Ўзбекистон шу вақтга қадар илгари суриб келаятган ҳақидаги битимга ўзгартиш киритиш ҳақида протокол имзоланди. У замида битимга киритилиши кузда тутилган кўпдан-кўп қўшимча ва ўзгаришларни жам қилган бўлиб, бошқа давлатлараро ҳужжатлардан фарқли уларок, саммитнинг барча иштирокчилари томонидан тула қўллаб-қувватланди. Эркин савдо зонасини яратиш ҳамдустлигига аъзо мамлакатларнинг жазо ҳўжалиги тизимига кириши, хусусан, жазо савдо ташкилотига қабул қилиниши, бошқа халқаро ташкилотлар билан алоқаларини ривожлантиришига қўшимча қўйди.

Президентимиз томонидан илгари сурилган яна бир ғоя Москва учрашувидан ўз тасдиқини топди. Бу МДХ органларининг ҳаддан ортиқ қўлайлиқ кетгани, уларда хизмат қилаётган

ҳодимлар фаолиятининг самарасизлигига тааллуқлидир. Дарҳақиқат, шу вақтгача минглаб одам ишлаётган бир неча муассасанинг бирор-бир амалий нафи кўзга қўринмади. Ваҳоланки, уларга қанча маблағ ва бошқа воситалар ажратилмоқда. Айни пайтда бу органларнинг бирор давлат учун фойдали ёки бейфойда экани ҳисобга олинмасди, аъзо мамлакатлар ортиқча сарф-харажатларга дучор эди. Энди бу ҳолга чек қўйилмади.

Яна бир гап. Саммитда давлат раҳбарлари ўзаро ҳурмат ва тенглик асосида муносабат қуришга тайёрликларини яна бир бор тасдиқлади. Айтиш керакки, гарча собиқ Иттифок аллақачон парокандаликка юз тутган бўлса ҳам айрим сиёсий доираларда бошқаларга «Катта оға» бўлиш орзуси ҳали-ҳамон мавжуд эди. Москвадаги учрашувда ҳеч бир давлат бошқа бир давлатдан устун эмаслиги, муносабатлар таҳдид орқали ёки мажбурий эмас, балки ўзаро бир-бирини ҳурмат қилиш ва тенглик асосига қурилиши лозимлиги барча иштирокчилар томонидан тан олинди. Давлат раҳбарлари МДХ фаолиятини такомиллаштиришнинг энг устувор йўналишларидан бири ҳар томонлама иқтисодий ҳам-

корликни чуқурлаштириш эканини ҳам таъкидлашди.

Шу ўринда коллектив ҳавфсизлик тўғрисидаги шартнома хусусида ҳам тўхталиб ўтиш мақсадга мувофиқдир. Мазлумки, Ўзбекистоннинг бу шартномада бундан бўён иштирок этмаслиги мамлакатимиз Ташқи ишлар вазирлиги баёнотида бир неча ой илгари мазлум қилинган эди. Бинобарин, мамлакатимизнинг ушбу шартномада иштирок этишдан тийилиши сабаблари барча ҳурфикр инсонларга олдиндан маълум. Шундай бўлса-да, бу сабаблар ҳақида қисман тўхталиб ўтиш жоиз. Ташқаридан ҳавф келганда, бир-бирига ҳарбий қўмак бериш, қўллаб-қувватлашни кузда тутидиган мазкур ҳужжат амалда самара бермади. Аксинча, айрим ҳолларда унга зид ҳолатлар кўзга ташланди. Мисол тариқасида Озарбойжон билан Арманистон ўртасидаги муносабатларни келтириш мумкин. Коллектив шартномага аъзо икки давлат ўртасида кескин низолар келиб чиқиши бу ҳужжатнинг мантиғига тамоман эътироз. Шунга ўхшаш ҳолатни Грузия-Абхазия воқеаларида ҳам кузатиш мумкин. Демак, МДХ доирасида имзоланган ва лекин ишламай ётган минглаб ҳужжатлар сингари бу шартнома ҳам фақат қўғозда қолиб келмоқда.

Шундай қилиб, Москва саммитида Ўзбекистоннинг МДХ борасида аввалбошданоч нечоғли тўғри йўл тутиб келганлиги яна бир қарра ўз тасдиқини топди. Мамлакатимиз раҳбари Ислам Каримов илгари суриб келган ташаббус ва тақдирларнинг барчаси рўйга чиқаётгани бунинг яққол далилидир.

Шухрат УМИРОВ,
ЎзА махсус мухбири.
Тошкент — Москва —
Тошкент.
Суратла: таширф пайти.
Ф. Қўрбонбоев (ЎзА)
олган сурат.

ОГОҲЛИК ОТА БЎЛИШ ОСОН, ОДОБ БЕРИШ ҚИЙИН

Ҳар гал дуога қўл очганда, илоҳо тинчлик осойишталик, йўлбошимиз боши тошдан бўлсин деб илтижо қиламиз. Бу қалб амри билан тиланавтган сузлар замирида юрт омонлиги ётибди. Саккиз йилда мамлакат гулларга бурканди. Миллий қадриятлар қадр топаётди. Иқтисодиётимиз мустаҳкамлашиб, дастурхонларимизга қўт барака кирди.

Меваги дарахтга тош отилади дейдилар. Ўзбекистонни меваги боғларга ўхшатаман. Ўн олтинчи февралдаги муҳиш воқеалар ҳақида тез-тез уйланим. Портлашлар оқибатлари инсон меҳнати билан қайта тикланаверади. Аммо, ибтилол мақсади амалга ошгудек бўлса, қай кунларга қалардик, тақдиримиз не кечарди? Ҳа, Оллоҳ паноҳида асраб, Президентимизни омон сақламаганида бугун Ўзбекистон кимларнинг қўлида қоларди. Мустақиллигимиз тақдирини нима бўларди? Яратганга минг қатла шўр қилиб, огоҳ бўлмоғимиз даркор.

Президентимиз халқ депутатлари Хоразм вилояти Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида таъкидлаганларидек, миллат қудрати ҳамжihatлиқда. Биз кексалар аввало бу ҳамжihatлиқнинг қадрига етишни ёшларимиз онгига сингирмоғимиз даркор. Ўш-

лар гўё бир ниҳол, қаёққа бурсангиз шу ёққа қараб усаверади. Давлатимиз раҳбари ҳар гал минбарга чиққанларида ёшларни ўз фарзандларим деб муножаат қилганида ҳикмат қўл.

Наманганлик бир гуруҳ ёшлар ҳам диний ақидапарастлар таъсирига тушиб қўллари қонга беланганди. Бундан ҳалига қадар жуда ҳам афсусдман. Ахир ота-она фарзандни кунимга ярайди, тобутимни кўтариб, чирогимни ёқди деган умидла устиради-ку? Оқ юби, оқ тараган ота-онанинг дилбандини қайсидаир аёлаҳ, узининг жирканч мафкуриси билан банди қилиб олса, биз нега қараб туришимиз, лоқайд бўлишимиз керак? Йўқ, энди ҳар бир ота ҳушёр туриб фарзанди қилимиши учун жавабгарлигини ҳис этсин.

Юрти номини еб, тузини ичиб унга тутирган фарзанд назардан қолади. Эл нафратига учрайди. Билиб қўйинглар, бундайларнинг боғи асло қўнқармайди, барака топмайди, охири-оқибати ҳору-зор бўлиб улғи қуяда қолади.

Кўни кеча Президентимиз халққа қарата, фарзанднинг жиний қилимиши учун ота ҳам жавоб беради, деб ниҳоятда турғи айтди. Албатта, фарзанд келажак учун ота масъул. Ўзининг ланд-насихати, аввало шахсий ибрати тарбия ўзатишни ташкил этади. Шу ўринда барча оталар ҳам жавабгарликни

чинакамаги ҳис этадиларми дейман. Ўзимнинг қониқтирадиган жавоб тополмай қийналаман. Қаранг, ўғли ойлаб, йиллаб остана хатламаса-ю ота фарзанди қаерда, нима билан машғул эканлигига қизиқмаса? Миллатдошларимиз орасидан сотқин, ватанфуруш ёшлар чиқаётгани отанинг фарзанд тарбиясига бепарво қарашининг аянчли оқибатидир.

Олтимиш тўрт баҳорни кўрдим. Умримнинг эллик йилли қишлоқ ҳўжалигида ўтди. Оқил фарзандлар тарбиялаганимдан қўнғлим ҳўзурга тулади. Етти ўғил, уч қизнинг барчасини ўқитдим, уйли-жойли қилдим. Набираси бор фарзандларим ҳам ҳануз изимдан чиқмади. Бугун ҳар бир ота «падаринга лаънат» деган сузни ҳеч қачон эшитмай деб, фарзандига тўғри тарбия бермоғи лозим.

Келинг, биродари азиз, эрта тонгда бироз вақтингизни аямай ўғлингизнинг бугун нима қилишини, қаерга бориши билан қизиқинг. Кечкурун қуядан қачон қайтишини назорат қилинг. Қўни келиб эл олдида бошингиз ҳам бўлмасин десангиз, огоҳ бўлинг!

ЎзАБТОЙ ҚОСИМОВ,
Наманган вилояти
Тўрақўрғон тумани, Шаҳид қишлоғида яшовчи меҳнат фахрийси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган агроном.

ЁҒОЧНИНГ БЎШНИ ҚУРТ ЕЙДИ

Қаерда ота-она бола тарбиясига лоқайд қараса, маҳалла-қўй, қўни-қўшни ёшларга ўз таъсирини ўтказа олмаса, уша жойда тартибсизликлар, дилдорлик юзага чиқади. Ўйлобчичимиз халқ депутатлари Хоразм вилояти кенгаши навбатдан ташқари сессиясида сузлаган нутқида «Ёғочнинг бўшини қурт ейди», деган мақолни жуда уринли ишлатди. Дарҳақиқат, маънавий қашшоқ, тарбиясиз одамлар сотқинликка, ёвузликка мойил бўладилар. Мустақиллигимиз душманлари бундай қимсаларни дарров тузоққа олиштириб, уларга ноқонуний йўл қўрсатдилар. Хоразм вилояти ҳудудида бўлган қароқчилик маънавий қашшоқ қимсаларнинг ишидир.

Ҳуш, автобусдаги беғуноҳ йўловчиларни гаровга ўшлаб, улар орасига яшириниб олган қароқчилар нимага эришдилар? Айбсиз одамларнинг қони туқилди. Қўлга тушганлар ҳали қонун олдида жаваб беришадди. Ғаламислар бундай ҳаракатлари билан мустақиллигимизга раҳна солишолмайдилар.

Кези келганда бетга айтганимиз заҳри йўқ. Ахир, бу йўлсўз қароқчиларнинг ота-онаси, қариндош-уруғлари бордир. Наҳот-

ки улар ўз фарзандларининг жирканч ҳаракатларига бедар қарашса? Бу мусулмончилик қонун-қоидаларига мутлақо турғи келмайди. Қўрғони қарим ва Ҳадисларда бола тарбияси учун ота-она масъул эканини қайд этилган. Тарихдан бизга маълум мард, қаҳрамон оталар ўз халқи ва Ватанига ҳўнат қилган фарзандларини қатл этишган. Украина пахлавони Тарас Бульба сотқин углини қилич билан қопиб ташлайди. Ота бола учун бевосита жавабгар бўлиши керак.

Халқимизда эгилган бошни қилич кесмайди, деган мақол бор. Йўлдан адашганлар икдор бўлиб, бош эгиб, тавба тазарру қилиб келсалар уларга нисбатан жазо йўқ, деб Президентимиз айтдилар. Бу кишининг нақадар одил, раҳм-шафқатли, мард, кеҳирли раҳбар эканлигини қўрсатмоқда. Ўнун бешта ўғри, қўнғунбузарларнинг таъзини бериб қўйишга давлатимизнинг қудрати етади. Фақат одил, эркин, турғи фикрлардан одамлар муносиб ҳўлоса чиқаришлари лозим.

Тўхтасин АҲМЕДОВ,
Уруш қаҳрамони, Риттон тумани.

БУГУН ИММОН БОР, ЭРТАГА КЕЧ БЎЛАДИ

ёки чорвачиликни янада ривожлантиришга нималар тўсқинлик қилаётгани хусусида

Бундан олти йил муқаддам республика ҳўкумати махсус қарорига асосан чорвачиликка ҳўсул-йўшлатириш бошланган эди. Қисқа муддатда, яъни икки йилда мамлакатимиз бўйича 1499 та қорамол-чилик фермалари ҳиссадорлик жамиятларига айлантирилди. Кейинчалик Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1995 йил, 24 мартдаги қарорига асосан 1995—1996 йилларда 600 та ферма «ким ошди» савдоси орқали сотилиб ҳўсул-йўшлатирилди.

Шундай қилиб, бугунги кунда республикада ишлаб чиқарилаётган гўштининг 99 фоизи, сутининг 99,6 фоизи ҳўсул-йўшлатирилган фермалардан ҳиссага тўғри келмоқда. Утган олти йилда шахсий сектордаги қорамоллар 747,7 минг бошга, шу жумладан сигирлар 214 минг бошга қўпайган.

Бироқ барча туманларда ҳам ислохотлар ижой натижа берди, дея оламиймиз. Қорамолчилик фермаларини ҳўсул-йўшлатиришда шўша-шўшарликка, кампанибозликка йўл қўйилди. Оқибатда ҳў-

сусий фермалар сонини ҳам, улардаги чорва моллари ҳам кескин камайиб кетди. Қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазири маълумотларига қараганда, 1999 йилнинг 1 март ҳолатига ҳиссадорлик жамиятларига айлантирилган фермалар 1499 тадан 186 тага, «ким ошди» савдосида сотилганлари эса 600 тадан 394 тага тушиб қолган. Ҳўсул-йўшлатирилган жамоаларда қорамоллар 84 фоизга, сигирлар 82 фоизга камайиб кетган.

Айрим фермаларда нафақат моллар сонини, балки маҳсулдорлигини ҳам пасайиб кетган. Ислохотлар бошланган йилларда республиканинг ҳўсул-йўшлатирилган фермаларида ҳар сигирдан ўртача 2100—2300 килограммдан сўт соғиб олинар эди. Маълумотларга асосан, утган йилда қишлоқ ҳўжалик қорамолларида (ҳўсул-йўшлатирилган фермалар ҳам шунга қиради) ҳар бир сигирдан атиги 1010 килограммдан, фермер ҳўжаликларида эса 962 килограммдан сўт соғиб олинди. Утган давр мобайнида ҳиссадорлик жамиятларига айлантирилган 1,5 мингга яқин қорамолчилик фермаларининг 1 мингдан ортиғи ва

«ким ошди» савдосида сотилган 600 та ферманинг 200 дан ортиғи жамоа, ширкат ҳўжаликларига қайтарилган. Шундан Қашқадарё вилоятида ҳиссадорлик жамиятларининг 85 фоизи, Бўҳоро вилоятида эса ҳўсул-йўшлатирилган ферманинг 87 фоизи ҳўжаликларга қайтарилган. Ҳўш, нега орқага қайтиди?

Қўнғина вилоят ва туман ҳўкимлари фермаларни сотиш билан қиёяланиб, уларга ер майдонлари, ёнигли-моилаш материаллари, техника воситалари, асбоб-ўқусу-налар ва екиш ажратилишида амалий ёрдам бериш ҳақида жон қўйдириганлар. Ҳўсул-йўшлатирилган фермаларни сотиб олиш учун бадназардан имтиёзли кредитлар жуда ҳам ажратилди. Ҳатто улар таёрол ташкилотига сотилган гўшт ва сутнинг пулини ўз вақтида олишолмадилар. Натижада мулкдорлар пулини ўз вақтида тулай олмадилар, ферма харажатларини айирмалари (иш ҳақи, ёнигли моилаш материаллари, техника, эҳтиёт қисмлар, насли моллар, ем-ҳашаклар,

дори-дармон, иш қўроллари ва бошқалар)га қайтарилди. Чорва маҳсулотларига эркин нарх белгиланган, шунга қўра маҳсулот этиштиришчилар ўз маҳсулотларини келишилган нархда сотиш ҳўқуқига эга. Аммо чорва маҳсулотларини сотиб олувчи ва қайта ишловчи қорамоллар томонидан маҳсулот этиштиришчиларни ўз шартларига қўнғиша мажбур қилиш ҳўллари учраб турибди. Ҳамон эскича ҳўқиронлик ҳўсул-йўшлатирилган фермаларда чорва моллари бош сонини кескин камайиб кетди, қатор ферма-

Қарор ва ижро

лар жамоа ва ширкат ҳўжаликларига қайтарилди. Чорва маҳсулотларига эркин нарх белгиланган, шунга қўра маҳсулот этиштиришчилар ўз маҳсулотларини келишилган нархда сотиш ҳўқуқига эга. Аммо чорва маҳсулотларини сотиб олувчи ва қайта ишловчи қорамоллар томонидан маҳсулот этиштиришчиларни ўз шартларига қўнғиша мажбур қилиш ҳўллари учраб турибди. Ҳамон эскича ҳўқиронлик ҳўсул-йўшлатирилган фермаларда чорва моллари бош сонини кескин камайиб кетди, қатор ферма-

рини илоҳи борица қайта ишлаб қорамолларига топширмасликка, бозорларда ва шаҳарларга яқин жойларда сотишга мажбур бўлмақдалар.

Бу бир томондан маҳсулот этиштиришчиларни қийин қўнғиша сола, иккинчи томондан қайта ишлаб қорамолларига ишлаб чиқариш қўватларидан самарали фойдаланиш имконини яратмайдилар.

1997 йилда «Ўзғўштўс-саноат» давлат акционерлик уюшмасига қарашли гўштин қайта ишлаш қорамоллари ишлаб чиқариш қўватларидан эса 28,7 фоизга фойдаланган, ҳолос.

Утган даврда, айниқса, Наманган, Бўҳоро, Хоразм ва Қашқадарё вилоятларидаги ҳўсул-йўшлатирилган фермаларда қорамоллар бош сонини кескин камайиб кетди. Ҳамон эскича ҳўқиронлик ҳўсул-йўшлатирилган фермаларда чорва моллари бош сонини кескин камайиб кетди, қатор ферма-

маҳсулдорлигини ошириш, зотинон яхшилаш эди-ку.

Аввало, фермаларнинг нотўғри сотилганлиги тўғрисида суз юртас. Вилоят ва туманларда тузилган комиссияларнинг айби билан тегишли вазирликлар томонидан тасдиқланган «Қорамолчилик фермаларини танлов шарт шартини савдосида сотиш тартиби-қоидалари» қўпол равишда бузилган.

Масалан, 1995 йилда Охангарон ва Бекобод туманларида 58,7 миллион сўмлик 11 та ферма олдиндан тўланиши шарт бўлган 10 фоизлик бадал пуллари ҳўжаликларга тўланмасдан сотиб юборилган. Тўланмай қолган пуллари кейинчалик ундирилиб, фермалар ҳўжаликларга қайтарилган. Бундай мисолларни Арнасай, Зарбодор, Мўзобод, Қосон ва Қитоб туманларидан ҳам келтириш мумкин.

Самарқанд ва Сўрхондарё вилоятларида қорамолчилик фермалари «ким ошди» савдосида сотиш учун баҳоланганда фермалар жойлашган ер майдонлари баҳоланмаган ва ферманинг сотиш баҳосига киритил-

УНВОН ОЛИМЛАРИНИНГ ДЎСТИ

Ўзбекистон Президенти Ислам Каримов Олий мақтаб фахлари халқаро академиясининг фахрий аъзоси этиб сайланди.

Ўзбекистон раҳбари бу юксак унвонга республикада кадрлар тайёрлаш миллий дастурини ишлаб чиққанлиги ва амалга ошираётганлиги учун сазовор бўлди.

1997 йилда қабул қилинган мажбур дастур узлуксиз таълим модели бўлиб, шахс маффаатларини рўйга чиқариш учун шарт-шароит ва таъсирчан механизмни яратиш унинг марказида туради.

Республикада тўб ўзгаришларни ҳаракатлантирувчи қўч — инсоннинг бирламчи принципларини ҳаётга тадбиқ этиш бўлиб, у Ўзбекистон таълим моделининг энг муҳим вазифасидир. Дастур ёшларнинг мактабгача ёшдан тортиб, магистратурага тўғатқунча бугун бутун бир даврни қамраб олади. Бунда тўққиз йиллик умумтаълим ва ўч йиллик махсус таҳсил — мажбурийдир.

Президент Ислам Каримов ўз китоблари, мақолалари, маърузаларида таълимнинг устуворлиги ва уни янада демократлаштириш зарурлигини алоҳида таъкидлайди. Ўзбекистон раҳбари жазо қиёфаси ахиллиги, юксак маънавият ва баъшарий тафаккурнинг асоси бўлиши таълимни ижтимоийлаштиришни биринчилардан бўлиб қўллаб-қувватлади. Республикада қатор янги университетлар ва институтлар очилди, етакчи олий таълим дарағохлари ҳар томонлама мустаҳкамланди.

1998 йилда 35 та янги коллеж қўриб ишга тушурилди, жорий ва келгуси йилларда яна 317 та лицей ҳамда коллеж барпо этилади. 1999 йилда республика аъли ички маҳсулотининг 8,1 фоизи таълим соҳасига йўналтирилди, утган йил бу улш 7,6 фоизга тенг бўлгани эътиборга олинса, лицей ва коллежларни қўриш режалари баҳарчилиши равшан бўлади.

Таълимнинг янги ўзгаришлари орасида — Тошкент иқтисодий университетини ҳўзурдаги бизнес таълими, Молия институтини қўидаги солиқ органлари учун кадрлар тайёрлаш маркази тузилмалари алоҳида диққатга сазовор. Ўзбекистон ёшлари жаҳоннинг энг нуфузли университетларига таълим олиш учун юборилмоқда.

Валерий БИРЮКОВ,
Тошкент. («Труд» газетаси 1999 йил 2 апрель соия).

муш уртоғининг ҳам соғлигини издан чикарди. Унинг юраги касал. Шифокорлар операция қилиш керак дейишяпти. Оилавий ахлоқимиз яхши эмаслиги, беш фарзанд

ТАДБИРКОРЛИК ҚЎЛ КЕЛДИ

Икки йил илгари Галларол паррандачилик хиссадорлик жамияти иккироғга юз тутганди. Бир йилда корхона 17,5 миллион сум зарар курганди. Ундан ташқари 17 миллион кредит, 2,8 миллион дебитор қарзлар муддати утиб, ҳисоб-китоблар тамомла издан чиққан, юзлаб одам меҳнат қиладиган жамоада бор-йўғи етмиш киши қолганди. Ойлик маошлар уз вақтида берилмаслиги боис ишчиларнинг ҳафсаси пир бўлган. Умрини шу соҳа билан боғлаб, рўзғор тебратётганларнинг ишдан кунгли совиған эди. Бир пайтлар республикада дондор бўлган паррандачилик корхонасида бор-йўғи 24 минг дон тухум қилмайдиган қари товуқлар қолганди. Ётиб қолгунча отиб қол деганларидек, таъазулла учраётган корхонада ташмачилик ва угирликлар авжига чиққанди. Аҳвол шу даражада бориб етгандики, одамлар онгда паррандачилик қони зарар деган туюшчана урғишиб қолган.

Вазият тақозоси шу бўлдики, бирмунча муддат жамоага раҳбар тоғилмай турди. Қўлгина фикр-мулоҳазалардан сунб Бахтиёр Абулқосимов хиссадорлик жамияти раиси бўлди. Унинг паррандачиликда тажрибаси борлигини, ишбилуғчи, кунгли покизалигини ҳисобга олиб, хиссадорларда умид уқунлари пайдо бўлди.

Одамларларнинг орзу-умидлари рўёбга чиқишида, турмуш тарзига мазмун киришида раҳбарнинг таъбири беқийс. Унинг фидойилиги ва инсоний фазилатларини қуриб ишчилар орасидан эргашадилар. Ислохотлар жараёни, маънавий-ахлоқий муҳитнинг соғломлашуви раҳбарга, унинг эътиқодида, ақл-идроқию маҳоратиға боғлиқ. Бир йилдаёқ Бахтиёр Абулқосимов корхонани банкротлик жари ёқасидан чиқаришга эришди. 1998 йилни хиссадорлар турт ярим миллион сум фойда билан якунлашди.

— Ишни ветеринария са-

нациясидан бошладик, — дейди Б. Абулқосимов. — Чунки парранда юкүмли касалликка тез чалинувчи жонзот. Цехлар ветеринария талаблари даражасида қайта тартибга келтирилди. Жува очирши инкубацияси тубдан қайта таъмирланди. Яхши ният билан Самарқанд вилоятидаги «Оғалик» паррандачилик хиссадорлик жамиятидан шартнома асосида 170 минг дон тухум олиб келиниб жува очирилди.

Мутахассислар, жужабоклар ва товуқбоқлар билан мулоқотда бўлди. Уларнинг аксарияти хиссадорлик жамияти маъмурияти ва ишчилар уртасида тузилган шартнома ишлаб чиқишини ри-вожлантиришда низоҳатда аҳамиятли бўлганини таъкидлашди. Шартномага қўра маъмурият цехларини ветеринария талаблариға жавоб берадиган даражасида тайёрлаб беради. Макка, бугдой ва бошқа тўйимдорликни оширувчи махсулотлар билан боийтилган сифатли омухта эмга бўлган эътиҳиёни таъминлашни зиммага олади. Жужабоклар эса парранда сонини она товуқ гуруҳига утказиш даврида 96 фоиз саклаб, жуванинг кунлик семиришини 8,5 граммга етказса, шартнома шартини бажарган ҳисобланади. Аслида паррандачиликда жужани она товуқ гуруҳига утказиш микдори 80 фоиз белгиланган. Жува очиб чиқувчи, дастлабки бир ойлик муддатда жува нозик бўлади. Қўп нарсашу бир ойлик парваришга боғлиқ.

Авваллари жужабоклар томонидан 150 кун боқилиб, она товуқ гуруҳига утказилган паррандаларни бошқа товуқбоқлар парвариш қилишарди. Янги тартибга қўра жужабоклар ўзи етиштирган товуқлар парваришини ўзи давом эттирадиган бўлди. Бу эса мендан кетгунча, эгасига етгунча қабилда иш тутишга чек қўйди. Манфаатдорликка умид туғилган, ишчи-хизматчиларнинг ишга муносабати тамомла узгарди. Угирлик бор жойдан барака қочади деганларидек, ташмачилик ва майда угирликларга чек қўйилди. Ишчилар ўз корхонасига шундай меҳр

қўйдики, кимки хиссадорлар манфаатига чанг солса ундайларга муносиб зарба беришга одатландилар. Зиммасидаги вазифани, яъни шартнома шартларини бажарганларга ойда 60 дон тухум ва беш юз сум пул муқофоти рағбатлантириш тариқасида берилаетир. Кимки угирлик билан қўлга тушса, шу кун-



дан бошлаб уртадаги шартнома бекор қилинади. Ўз узидан у ишсиз қолади.

Жорий йилнинг уч ойи якунларини таҳлил этсак: жужалар сакланishi саксон унинг 98 фоизни, она товуқлар сакланishi эса тўқсон ур-

Мулкдор — жамият таянчи

нига 99 фоизни ташкил этди. Қўлимиздаги маълумотларга қараганда, бу республика паррандачилик корхоналари орасида энг юқори курсаткич. Қаранг, Акбар Умрзоқов бошлик бригада аъзолари жужаларни она товуққа утказиш даврида 99 фоиз саклашга эришдилар.

Биринчи чоракда хиссадорлар режадаги 640 минг урнига бир миллион 439 минг дон тухум етиштирдилар. Йил охиригача беш миллион дон тухум, 50 тонна пархез гушт етиштириш режалаштирилган. Бугунги кунда 25 минг 300 кунлик, 36,5 мингта 150 кунлик она товуқ, 32 мингтадан ортик 120 кунлик жува парвариш қилинаптир. Апрель ойининг биринчи ярмида Самарқанддаги «Оғалик» паррандачилик хиссадорлик жамиятидан яна 50 минг дон тухум сотиб олиниб, очиршига қўйилди.

Март ойда ишчиларнинг

уртача ойлик маоши олти ярим минг сумни ташкил этди. Бу муқофотлардан ташқари. Яқинда ишчи-хизматчилар учун ошхона очилди. Жамоанинг 203 нафар аъзоси кунига бир маҳал бепул иссиқ овқат билан таъминланмоқда. Шу ойда маиший хизмат маркази ишга тушади. Ишчи-хизматчилар, сартарошхона, пойабзал таъмирлаш цехи, гушт дўкони, нонвойхона ва кичик бозорча хизматидан баҳраманд бўладилар.

Утган йил якуни билан 2 миллион 400 минг сум маблағ хиссадорларга дивиденд қилиб берилади. Товуқбоқар Убайдулла Жонзоқов, жужабокар Гулчехра Қайумова, чорвашунс Иброҳим Мухторов, муҳандис Бахтиёр Рустамовлар ўз вазифаларини сидқидилдан бажариб, кўпчилига ибрат бўлаётти.

Йўлбошчимиз ташаббуси билан бу йил Авлар йили деб эълон қилинган жамоадаги хотин-қизларни беҳад қувонтирди. Хотин-қизларга барча қўлай шарт-шароитлар муҳайё этилган. Саккизинчи март байрам муносабати билан байрам дастурхони ёзилди. Ишлаётган 50 нафар ва шу корхонадан нафақага чиққан 17 нафар авларнинг ҳар бирига беш юз сумдан пул муқофоти берилди. Навруз байрами жамоада катта шодона билан ўтди. Қўли очкининг йўли очик, деб бежиз айтилмаган. Навруз кўни ногиронларга моддий ёрдам берилди. Уруш қатнашчилари, боқувчисини йўқотганлар, етим-есирларга хайрия қилиш аънаънага айлиб бораётти. Масалан, Тўйчи Худоев номли маҳаллада истиқомат қилувчи биринчи гуруҳ ногирони Фурқат Жониқуловнинг жарроҳлик операцияси учун пойтахтдаги касалхонага 120 минг сум маблағ утказилди. Фурқат Жониқулов кўни кеча соғлигини тиклаб, Галларолга қайтди.

Президентимиз доимо таъкидлаганларидек, бизнинг келажагимиз, энг катта ишон-

чимиз, мадад-таянчимиз бу усуб келаятган ёш авлоддир. Мамлакатимиз ва мустақиллигимиз тақдири ва келажагини ҳам ана шу ёшлар қўлида, уларнинг пок қалби, эркин тафаккур, мустаҳкам иродаси ҳамда дунёқарашиде курашимиз. Жамият раҳбари бу сузлар маъносини тўғри англаб, ёшларга ғамхурликни қўчайтирди. Тумандаги Нодирабегим номли урта мактаб, 2-болалар боччаси, хунар лицейини хиссадорлар ҳомийликка олишган. Уларни таъмирлашга моддий ёрдам берилди. Ҳар бир байрамда совға-саломлар ажратиларди. Озик-овқати таъминотиға ҳам ёрдам берилаётти.

Мақсадлар юксак. Хиссадорлик жамияти раисининг ишонч билан таъкидлашчи бу йил 20 миллион сумдан ортик фойда олишга барча имкон бор. Озуқа ем узингдан чиққанига не етсин. Қўзда 80 гектар сугроилидиган, 98 гектар лалми ерга бугдой экилди. Парранда учун айниқса, она товуқ учун беда уни жуза зарур. Авваллари бундай уни катта харажатлар эвазига сотиб олинларди. Энди беда уни шу ерда тайёрланади. 45 гектар беда гуркираб усмоқда. Яқин кунларда 40 гектар майдонга макжажхори экилади.

Жамоа аъзолари айни кунларда ўз имкониятларидан келиб чиқиб, паррандалар бош сонини қўпайтириш, харажатларни қамайтирган ҳолда махсулот таннархини арзонлаштириш, истемол бозорига пархез гушт ва тухум етиштириб бериш мисқолини ошириш учун жонбозлик қўрсатмоқдалар. Галлароллик хиссадорлар етти хазинанинг бири хисобланмиш паррандачиликни ривожлантиришнинг ойдин йўлига чиқиб олдилар.

Дилмурод ҚИРГИЗБОВ,
«Қишлоқ Ҳаёти» мухбири.

ФАТТОҲХОН МАМАДАЛИЕВ

Ўзбекистон маданияти ва мусиқа санъати оғир жудодорлик учради. Атоқли хонанда, ноёб овоз соҳиби, моҳир созанда ва бастакор, меҳрибон мураббий, беназир инсон Ўзбекистон халқ ҳофизы Фаттоҳхон Мамадалиев узоқ давом этган касалликдан сунг 76 ёшида вафот этди.

Фаттоҳхон Мамадалиев 1923 йилда Андижон вилояти Балиқчи туманидаги Эски Ҳаққуллоб қишлоғида тавалуд топти. Ёшлигидан миллий мусиқа санъатига катта ихлоси туфайли дутор, гижжак, танбур чалишни мукамал узлаштириб, халқ куй-қушқиларининг моҳир ижрочилари бўлиш Умрзоқ Полвон Сайдали, Абдулла Тароқ, Беркинбой Файзиев, Жураҳон Султонов, Юнус Ражабий сингари улкан устозлардан сабоқ олди. Натижада узиға хос иход йўли ва ихро услубини эгаллади.

Ф. Мамадалиев Андижонда маданият уйи қошида мақомчилар ансамблини тузиб, қарийб 20 йил давомида ўнлаб ҳаваскор созанда ва хонандаларни катта санъат йўлиға бошлади.

Ф. Мамадалиев яқка ва ҳамнафаслиқда ашула, катта ашула, мақом намуналарини қиймега етказиб ихро этди. Унинг ута тиник, ширали овози ва узиға хос ихро маҳорати мумтоз мусиқий меросимизга янғидан ҳаёт бахш этди. Унинг товушидаги бироз ҳазинлик мумтоз қушқичилигимиз санъатига улғур-



ворлик бахш этар, шинавалдалар қалб изтиробларига ҳамдардлик ҳисларини уйғотарди. У басталаган «Интизор», «Оқибат», «Соғиндим», «Кунгил», «Дилқушо» каби унлаб ноёб куй-қушқилар муҳлислар қўлгидан чўқур жой олди. Эл сўнган ҳофиз «Мискин», «Ушшоқ», «Муножот», «Насруллоҳ» каби туркум асарларни нозик жиллар билан сайқаллаштирди. Ижрочилигининг узиға хос йўналишини яратди. Бастакорнинг халқро мақомчилар фестивалининг бош муқофотини олган «Дарди дилим» ашуласи бутун Осиё қалбини забт этди.

Ф. Мамадалиевнинг сунги 15 йил давомидаги сермахсул иходий фаолияти бир қанча концерт ташкилотлари, Ўзбекистон Телерадиокомпаниясининг Ю. Ражабий номидиға мақом ансамбли, бастакорлар уюшмаси билан узвий боғлиқ бўлди. У Тошкент Давлат консерваторияси профессори сифатида ҳам қўллаб-ёш истеъодларни тарбиялаб вояға етказди.

Ф. Мамадалиевнинг миллий санъатимиз ривожини йўлидаги улкан заҳматлари ҳукуматимиз томонидан муносиб тақдирланган. У «Ўзбекистон халқ ҳофизы» фахрий унвонига сазовор бўлган. «Меҳнат шўхрати» ва «Эл-юрт ҳурмати» орденлари билан муқофотланган эди.

Санъат абадий ва улмас қадриятдир. У миллият ва ватан тивмолли сифатида ҳамisha барҳаётдир. Ҳақиқий санъаткор эса ана шу буюк мўъжиза орқали абадиятга, мангуликка дахлдордир. Бутун умрини ўзбек мусиқа маданияти равнақига тамомлаб бахшида этган ардоқли санъаткор, покиза инсон Фаттоҳхон Мамадалиев ана шундай кишилардан эди.

Улғур устоз ва атоқли хонанда Фаттоҳхон Мамадалиевнинг хотираси қалбимизда абадий яшайди.

И. КАРИМОВ, Э. ХАЛИЛОВ, Ҳ. СУЛТОНОВ, Х. КАРОМОВ, Т. АЛИМОВ, Н. ЖҲРАЕВ, Х. ЖҲРАЕВ, Р. АДБУЛЛАЕВ, А. ОРИПОВ, Р. ЮНУСОВ, О. ОТАХОНОВ, О. КОСИМОВ, Ҳ. САИДЖОНОВ, М. ЙҲЛЧИЕВА, Б. ДАВИДОВА, Х. НОСИРОВА, Т. АЛИМОВ.

ХОРИҲДАН ХАБАРЛАР

ПЕКИН. ХХР Раиси Цзян Цзэмин тақлифига биноан, Миср Араб Республикаси Президенти Хусний Муборак беш кунлик давлат таширифи билан Хитойға келди.

РАТА-ТАСС ахборот маҳкамаси таркатган хабарда маълум қилинишича, ташириф давомида Х. Муборак ва С. Цзэмин икки мамлакат ўртасидаги сиёсий, иқтисодий алоқалар ҳамда халқаро ва минтақавий муаммолар юзасидан фикр алмашди. Х. Муборакнинг Хитой ишбилармонлари билан учрашиши ҳам режалаштирилган.

УММОН. Бу ерда Иордания подшоҳи Абдулла ибн Хусайн билан Фаластин маъмурияти раҳбари Есир Арафотнинг учрашуви бўлиб ўтди. Унда Исроил ҳукуматини арабларга тегишли бўлган ҳудудларда яҳудийлар учун турар-жой қуриш режасидан воз кечишга қаҳирлиди. Томонлар Фаластин-Исроил музокаралириға янғича руҳда ёндашиш юзасидан узаро фикр алмашди.

Шунингдек, подшоҳ Абдулла ва Есир Арафот Исроилни Сурия ва Ливан билан тинчлик музокаралирини ўтказишга қаҳирлиди.

ТИРАНА. Македония ҳукумати Европа иттифогини 100 минг нафар қосоволик албан қочқинини қабул қилишга тайёр эканини маълум қилди. Хабарларға қўра, ЕИ Македониядаги қосоволик қочқинларни иттифок мамлакатларига жойлаштиради. НАТО ҳам Албания ҳамда Македониядаги қосоволик қочқинларни Германия, Греция, Норвегия, Туркия, Канада ва АҚШ қабул қилаётган тўғрисидаги хабарни эълон қилди.

ЗАГРЕБ. Хорватия ҳукумати қосоволик албан қочқинларга 2,57 миллион АҚШ доллари миқдорида озик-овқат етказиб беришга қарор қилди.

Шунингдек, Словения ҳукумати ҳам албан қочқинларга 260 минг доллар миқдорида моддий ёрдам қўрсатишга аҳд қилди.

БОНН. Германия ҳукумати албан қочқинларига инсонпарварлик ёрдами қўрсатиш тадбирларини бошлади. ГФР мудофаа вазирлиги вакилининг айтишича, озик-овқат, дори-дармон, кийим-кечак ортилган «Боинг-707» русумли учта самолёт Скопеге жўнатилди. Ушбу ёрдам Македония ҳамда Албанияда вақтинча қўнмон топан 10 мингдан ортик қочқинга етказиб берилади.

Германиядан Болқонга ҳар кун иносонпарварлик ёрдами ортилган бир неча самолёт ўчади, деди мамлакат мудофаа вазири Рудолф Шарпинг. Шунингдек, у Македониядаги немис ҳарбийларига қочқинлар шарт-шароитини яхшилашга қўмаклашиш ҳақида қўрсатма берганини ҳам айтди.

ЖЕНЕВА. БМТнинг қочқинлар иши бўйича олий коммисарлиги Болқон минтақасида қочқинлар сони тобора қўпайиб бораётганидан ташвиш билдириб, жаҳон ҳамжамиятини уларға инсонпарварлик ёрдами қўрсатишга қаҳирлиди.

Коммиссия маълумотиға қараганда, Қосово моҳираси кескинлашгани боис ўлкада қочқинлар сони 360 минг нафарға етган. Уларнинг 200 мингдан ортиги Албанияда, 115 мингги Македония ҳамда 33 минг нафари Черногория ҳудудида жойлашган. Булардан ташқари, яна 10 мингдан зиёд қочқин ҳозир узиға бошлана қидирмоқда.

АР-РИЁД. Иорданиянинг янги под-

шоҳи Абдулла ибн Хусайн давлат бошлиғи сифатидаги биринчи хорижий сафарини Саудия Арабистонидан бошлади.

Хабарларға қараганда, Абдулла ибн Хусайн бу ерда Саудия Арабистони подшоҳи Фаҳд ибн Абдулазиз ас-Сауд билан икки томонлама муносабатлар масаласида ҳамда Араб дунёсидаги, жумладан, Ироқ атрофидаги вазият юзасидан музокаралар олиб боради.

ВИНДХУК. Намибияда демократлар конгресси номли янги партия ташкил этилди. Мамлакатдаги ҳукмрон партиянинг собиқ аъзоси ва Намибиянинг Буюк Британиядаги олий коммисари Бек Уленга унинг раҳбари этиб сайланди.

Янги партия аъзоларининг асосий қисмини Намибиядаги ҳукмрон партия тутаетган йўлдан норози бўлганлар ташкил этади. Демократлар конгресси вакиллари мамлакат иқтисодиётидаги турғунлик, таълим тизимининг ноқорлиғи, миллий сиёсатдаги келишмовчилик ва қашшоқликка қарши курашнинг сустлиғидан норозилик билдирмоқда.

НАЙРОБИ. Айни пайтда Европа ва Американинг ривожланган мамлакатларида келиб чиқиши африкалик бўлган 250 мингдан ортик илмий ходим ишлайди. Уларнинг 30 минг нафари фан докторларидир. Халқаро миграция ташкилоти эълон қилган маърузада шундай маълумот қайд этилади.

Маърузада таъкидланишича, африкалик олимларнинг ўз мамлакатини тарқ еттиши кўпга иқтисодиётига катта зарар етказмоқда.

ЖАКАРТА. Индонезиянинг Молукки оролида фуқаролар ўртасидаги диний ва этник тўқнашувлар яна икки кишининг улимиға сабаб бўлди. Туал шаҳрида бир қанча турар-жой ва маъмурий бинолар ёқиб юборилди.

Утган ҳафта давомида Молукки оролининг жануби-шарқий қисмида юз берган тартибсизликлар натижасида қурбон бўлганлар сони 3 кишидан ошиб кетди. Шунингдек, 300 дан ортик бино, жумладан, мактаб, ҳукумат идоралари ва бошқа иморатлар вайронаға айланди.

САРАНСК. Саранск шаҳри чеккасида юк ташувчи поезд 12 та вағон билан издан чиқиб кетди. Уларнинг иккитасиға янги енгил автомобиллар юкланган бўлиб, бир вагон бутунлай ағдарилиб кетган. Шунингдек, темир йўлининг 250 метри ишдан чиққан.

РАТА-ТАСС ахборот маҳкамаси таркатган хабарда айтилишича, ҳаво ҳароратининг тез-тез алмашиб туриши воқеаға сабаб бўлган. Айни пайтда темир йўлни тиклаш чоралари қўрилмоқда.

ХАНОЙ. Таиланд ҳукумати Мьянма билан туташ бўлган бешта туман сарҳадини ёпиб қўйди. Бунга мьянмалик номаълум кишилар чегара ҳудудида яшовчи таиландлик деҳқонларға ҳужум уюштиргани сабаб бўлди.

Бундан бир неча кун аввал бир гуруҳ қуролланган кишилар Мьянмадан Таиланд ҳудудиға утиб, Чан-май вилояти қишлоқларининг бириға ҳужум уюштирган ва 9 нафар деҳқонни угирлаб кетган эди. Кейинроқ деҳқонларнинг жасади чегараға яқин жойдан топилди. Мазкур воқеа сабаблари аниқлангунға қадар икки давлат чегараси бутунлай ёпиб қўйилди, дейилади РАТА-ТАСС ахборот маҳкамаси таркатган хабарда.

(ЎЗА).

САНАЦИЯ БЕРГАН ИМКОНИЯТ

Чиноз туманидаги Охунбобоев номли хужалик деҳқонлари янги маъсумини ҳар қачонгидан ҳам кутаринки руҳда бошладилар. Айни пайтда 780 гектар майдондаги қузғи галлани оби тобида парваришлаг билан бирга, 1070 гектар майдонга «С-624» навли чигит экиш ишлари уюшқоқлик билан олиб боришмоқда.

Бундан бир-икки йил илгари бу ерда аҳвол бутунлай бошқача эди. Пахтачиликда ҳам, галлачиликда ҳам замон талаблари даражасида иш юритилмагани, деҳқон манфаатига панжа орасидан қаралгани боис иш чиппасига кетди. Одамларнинг қўли ишга бормай қолди, ҳосилдорлик кескин қамайиб, ҳужалик 1998 йил бошиға келиб эллик миллион сум қарз бўлди.

Албатта, бундай аҳволға тушиб қолган хужаликлар банкротға учраб, оқибатда тарқатиб юборилиши, мол-мулк эса бўйнидаги қарзларни қоплаш учун сарфланиши лозим. Аммо деҳқончилик орасидан оила боқиб келаятган юзлаб одамлар нима қилади? Асосий бойлигимиз бўлган экин майдонларичи?

Республика ҳукумати томонидан ишлаб чиқилган тадбирға мувофиқ молиявий оғир шариоғатга тушиб қолган мазкур хужаликка ҳам қаддини тиклаб олиш учун имконият берилди. Утган йил бошида вилоятдаги саккиз хужалик қаторида санацияға киритилди.

Санация талабларига мувофиқ хужаликка таъши бошқарувчи тайинланди. Унинг раҳбарлиғида бошқарув тузилмасидаги ҳодимлар сони кескин қисқартирилди. Хужалик балансида ортиқча юк бўлиб турган муассасалар ўз эгаларига топширилди. Мажҳуд пахта ва галла майдонлари эса оила-ларға пудрат асосида бўлиб берилди. Астойдил қилинган меҳнат бесамара кетмади. Пахта майдонларидан гектариға 27 центнерға етказиб ҳосил йиғиштирилди. Галлазорларда ҳам мулжалдагидан анча қўп дон янчилиб, ўч ярим миллион сум соф фойда олинди.

Экин майдонларининг оила-ларға пудрат асосида бўлиб берилиши натижасида хужаликда ишдан бушаган 400 нафарға яқин ишчи-хизматчи бошқа хизмат соҳаларға утказилди. Хусусан, уларнинг қирқ нафари Яллама қишлоғида очилган нон ишлаб чиқариш корхонасида меҳнат қила бошладилар.

Хужалик таъши бошқарувчиси Эшмуҳаммад Бердиевнинг айтишича, санация хужаликни оёққа турғазиш учун жуза катта имконият яратди. Бироқ, қўлга киритилган ютуқлар чегара эмас. Мақсад экинлар ҳосилдорлигини янада ошириб, қишлоқ хужалигининг келадиган даромадини қўпайтириш, деҳқон моддий манфаатдорлигини қўпайтиришдан иборатдир.

Несмат ДУШАЕВ,
ЎЗА мухбири.

ҲАММАСИ ЎСТИРИШГА ҚОЛДИРИЛАДИ

Деҳқон чорвадорлар бу йил мўл галлачилик ва чорвачилик йили бўлиб дейишмоқда. Негаки, баҳор серёғири бошланиб галлазорларни, яйловларни яшнатмоқда. Сурхон воҳаси қўйчинонлари отарға отар қўшиш, ҳар юз совлиқдан юзтадан қўзи олишнинг ният қилишган. Вилоятнинг Ангор, Термиз, Жарқўрғон туманларида қоракўл қўзи, Сарисоёқ, Музработ туманларида хисори зотли қўзилар олиш бўйича тўл мавсуми якунланди. Қоракўл совлиқнинг ҳар юзтадан юзтадан, хисори совлиқлардан 90 тадан қўзи олинди.

Вилоятда олинган тўлнинг деярли ҳаммаси ўстиришга қолдирилляпти. Утган йилға нисбатан қўзилар ҳозирдаёқ 25 мингта қўпайди.

Чори ТҲТАЕВ,
ЎЗА мухбири.

ОЗУҚА МҲЛ БҲЛАДИ

Сурхондарё вилоятида чорва озуқа базисини мустаҳкамлашга жиддий эътибор берилаётти. Утган йилнинг қуздан бошлаб беда майдонлари 2 минг 495 гектар кенгайди. Эски бедозорлардан мўл озуқа олиш чоралари белгиланди. Бу йил силос учун 6 минг 700 гектар ерга макжажхори экилади. 60 гектар майдонда озуқабош лавлаги парваришланади. Такрорий экинлар экиш даврида озуқа экинларига кўпроқ ер ажратилади.

(ЎЗА).

КАТҚАЛОҚҚА ҚАРШИ КУРАШ ЧОРАЛАРИ

Бу йил республика-мизда чигит экиш утган йилға нисбатан эрта бошланди. Шу кунларда пахтакорлар тупроқнинг 10 см. қатламиде ҳарорат меъёриға келганидан фойдаланиб вақтини қўлдан бой бермай чигит экишни авж олдиarmoқдалар. Қашқадарё, Сурхондарё, Андижон ва бошқа вилоятларда уруғлик уйиб чиқа бошлади. Кейинги экинган майдонларда ҳам ниҳол ҳадемай буй қўрсатади.

Яқинда қўли ёмғир ёғиб, сунгра ҳарорат кутарилиши натижасида қўп жойда қатқалоқ пайдо бўлди. Айрим жойларда унинг қалинлиги 2-3 см, тупрогининг меҳаник таркиби оғир майдонларда 4-5 смға етади. Қўп йиллик тажрибалардан маълумки, қатқалоқ ёш ниҳолларининг тупроқ юза қисмидаги мурғак танасини ис-канжаға олиб, уни усидишдан тўхтатиди ва касаллантириб нобуд бўлиши

ФУТБОЛ
ДАСТЛАБКИ
ҒАЛАБА

1 2 3 3 4 6.